
АҲОЛИГА МОДДИЙ ЁРДАМ КЎРСАТИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2021 йил 21 декабрдаги "Аҳолининг кам таъминланган қатламларини қўллаб-қувватлаш ва ижтимоий ҳимоясини янада кучайтиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори билан, 2021 йилнинг декабрь ойида аҳолининг, шу жумладан Фарғона вилоятида яшовчи қуйидаги қатламларига кирувчи оилаларга 800 минг сўм миқдорида бир марталик моддий ёрдам кўрсатилади:

- 2021 йил давомида "Темир дафтар" рўйхатида бўлган оилаларга;
- 18 ёшга тўлмаган фарзандлари бор боқувчисини йўқотганлик пенсияси ёки нафақасини олувчи оилаларга;
- 18 ёшгача болалар учун ногиронлик нафақасини олувчи оилаларга.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook,](#)
2021-12-25 12:31:42